



Остона саммитида Марказий Осиёда иқлим ва экология муаммоларини ҳал қилиш бўйича янги ташаббуслар илгари сурилди

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаевнинг таклифига биноан Минтақавий экологик саммит ва Оролни қутқариш халқаро жамғармаси таъсисчи давлатлари раҳбарлари кенгашининг йиғилишида иштирок этиш учун 21-22 апрель кунлари амалий ташриф билан Остона шаҳрида бўлди.



Давлатимиз раҳбари Қозоғистонга амалий ташрифи дастури доирасида 22 апрель кун Марказий Осиё мамлакатлари, Мўғулистон, Озарбайжон, Грузия ва Арманистон делегациялари раҳбарлари билан биргаликда Остона шаҳридаги “ЕХРО” халқаро кўргазмалар марказида ташкил этилган Минтақавий экологик саммит кўргазмасидаги миллий павильонларни бориб кўрди.

МЭС — 2026 диққат марказида экологик сиёсатга комплекс ёндашуви акс эттирувчи саккизта устувор йўналиш туриди: иқлим ўзгаришига қарши курашиш, озиқ-овқат хавфсизлиги ва экотизимлар барқарорлигини таъминлаш, табиий хавф-хатарларга мослашиш ва иқтисодий барқарорликни ошириш, ҳаво ифлосланишини камайтириш ва чиқиндиларни самарали бошқариш, экологик мақсадларга эришиш механизмларини ривожлантириш, табиий ресурсларни барқарор бошқариш, адолатли ва инклюзив “яшил” ўтиш, экологик ҳамда рақамли компетенцияларни ривожлантириш. Саммит кун тартиби барқарор ривожланишнинг экологик ҳамда ижтимоий-иқтисодий жиҳатларини ҳам қамраб олган.

Тадбирда иштирок этаётган мамлакатларнинг миллий павильонларида уларнинг ушбу йўналишлардаги ютуқлари ва келгуси режалари намойиш этилмоқда.

Интерфаоллик ва мультимедиа элементларига эга кўргазма-тақдирот майдони шаклида барпо этилган Ўзбекистон павильони мамлакатимизнинг экология, иқлим ўзгариши ва Марказий Осиёнинг барқарор ривожланиши соҳаларидаги давлат сиёсатининг устувор йўналишларини акс эттиради. Шунингдек, экспозиция Ўзбекистоннинг экология соҳасида минтақавий ва халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлашга қўшаётган ҳиссасини намоён этади.

Олий мартабали меҳмонларга экологик тараққиётнинг замонавий моделини шакллантиришга қаратилган асосий ташаббусларни ўз ичига олган экспозиция тақдим этилди. “Чиқиндисиз ҳудуд”, “Тоза ҳаво”, “Яшил макон”, “Экомаданият”, “Биомерос” ва “Экологик таълим” каби умуммиллий лойиҳалар шулар жумласидан.

Орол фожиаси оқибатларини бартараф этиш, шунингдек, халқаро ташкилотлар, энг аввало, БМТ тузилмалари билан

ҳамкорликни ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Шундан сўнг Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Остона шаҳрида бўлиб ўтаётган Минтақавий экологик саммитнинг очилиш маросимида иштирок этди.

Тадбирда Қозоғистон Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев, Қирғизистон Президенти Садир Жапаров, Тожикистон Президенти Эмомали Раҳмон, Туркменистон Президенти Сердар Бердимухамедов, Мўғулистон Президенти Ухнаагийн Хурэлсух, Арманистон Президенти Ваагн Хачатурян, Грузия Президенти Михаил Квелашвили ва Озарбайжон Бош вазири Али Асадов ҳамда халқаро ва минтақавий ташкилотлар раҳбарлари ҳам қатнашди.

Давлатимиз раҳбари ўз нутқида Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаевни саммитнинг муваффақиятли ташкил этилгани билан самимий табриклаб, унинг экологик хавф-хатарларнинг ўзаро боғлиқлиги ва уларни биргаликда ҳал қилиш зарурлигини ўзида мужассам этган “Барқарор келажак учун умумий нигоҳ” деган бош ғоясини тўлиқ қўллаб-қувватлашини билдирди.

Президентимиз мазкур учрашув ўтган йили Самарқанд иқлим форумида бошланган мулоқотнинг мантқий давоми эканини таъкидлаб, Марказий Осиё давлатларининг экологик дипломатияси тизимли ва изчил тус олиб, сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилаётганидан мамнунийгини таъкидлади.

Ўзбекистон етакчиси қайд этганидек, бутунги кунда экологик муаммоларни глобал иқлим ўзгаришларидан айри ҳолда кўриб чиқиб бўлмайди.

— Глобал иссиқ сурьатларнинг тезлашиши давом этмоқда, Марказий Осиё минтақасида эса ҳарорат икки баробар тезроқ кўтарилмоқда. Минтақа музликларининг қарийб учдан бир қисми йўқолди, ёнғинларнинг тартибининг беқарорлиги кузатилмоқда, сув ресурслари танқислиги ортиб бормоқда. Ер майдонларининг 80 миллион гектари алақачон деградацияга учради, — деди давлатимиз раҳбари.

Глобал экологик бирдамлик заифлашгандан чуқур хавотир билдирилди. Ривожланаётган мамлакатлар иқлим ўзгариши билан боғлиқ молиялаштириш, илгор технологиялар ва инновациялардан ўз вақтида ва

адолатли фойдаланиш имконияти билан таъминланиши муҳимлиги таъкидланди.

Марказий Осиё давлатлари атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалаларини минтақавий ҳамкорликнинг энг муҳим устувор йўналиши даражасига кўтаришга муваффақ бўлгани мамнунийат билан қайд этилди.

Буни “яшил” кун тартибини илгари суриш, иқлим ўзгаришига мослашиш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича бир қатор муҳим, стратегик аҳамиятта эга минтақавий дастурларнинг қабул қилингани ҳам тасдиқламоқда.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистонда экологик барқарорликни таъминлаш бўйича қўрилаётган тизимли чора-тадбирларга алоҳида тўхталиб ўтди.

— “Яшил макон” лойиҳаси доирасида қарийб 1 миллиард туп дарак ва бута экилди. Орол денгизининг қуриган тубида 2 миллион гектардан ортиқ майдонда ўрмонзорлар барпо этилиб, янги “яшил белбоғ”лар яратилмоқда. Бизнинг ташаббусимиз билан БМТ Бош Ассамблеясининг “Ўрмонлаштириш ва ўрмонларни тиклаш бўйича ҳаракатлар ўн йиллиги” резолюцияси қабул қилинди, — деди Ўзбекистон етакчиси.

Бундан ташқари, сувни тежаш борасидаги кенг қўламли саъй-ҳаракатлар натижасида йилга 10 миллиард куб метр сув иқтисод қилинмоқда. Мамлакатимизнинг генерация қувватларида “яшил” энергетика улуши алақачон 30 фоизга етди, 2030 йилнинг охирига бориб эса 50 фоиздан ошади.

Париж битими бўйича зарарли чиқиндиларни 35 фоизга камайтириш мажбурияти мuddатидан олдин бажарилиб, 2035 йилгача уларни икки баробар қисқартириш бўйича янги марра белгиланди.

Чиқиндилардан энергия ишлаб чиқаришга оид лойиҳалар фаол амалга оширилмоқда. Жорий йилда чиқиндиларни ёқиш бўйича иккита янги завод ишга туширилади, яна 9 таси эса келгуси икки йил давомида фаолиятини бошлайди. Уларнинг ишга туширилиши ҳар йили 5,5 миллион тонна чиқиндини утилизация қилиш, 2,2 миллиард киловатт-соат электр энергияси ишлаб чиқариш, шунингдек, чиқиндилар ҳажмини 1 миллион тоннадан ортиққа қисқартириш имконини беради.

► Давоми 2-бетда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ МИНТАҚАВИЙ ЭКОЛОГИК САММИТДАГИ НУТҚИ

Хурматли Қосим-Жомарт Кемелевич! Хурматли делегациялар раҳбарлари! Хонимлар ва жаноблар!

Авалло, Қозоғистон Республикаси Президенти хурмати Қосим-Жомарт Кемелевич Тоқаевга Минтақавий экологик саммитни ўтказиш борасидаги ташаббуси ҳамда уни юксак даражада ташкил этгани ва аънавий илқ меҳмондўстлик учун алоҳида миннатдорлик изҳор этмоқчиман.

Ўзбекистон саммитининг экологик хавф-хатарларнинг ўзаро чуқур боғлиқлиги ва уларни биргаликда ҳал қилиш зарурлигини ифода этаётган “Барқарор келажак учун умумий нигоҳ” деган бош ғоясини тўлиқ қўллаб-қувватлайди.

Бутунги учрашув ўтган йили Самарқанд иқлим форумида бошланган мулоқотнинг мантқий давомидир. Қувонарлиси шундаки, Марказий Осиё давлатларининг экологик дипломатияси тизимли ва изчил тус олиб, сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилмоқда.

Хурматли саммит иштирокчилари!

Бутунги кунда экологик муаммоларни глобал иқлим ўзгаришларидан айри ҳолда кўриб чиқиб бўлмайди.

Глобал иссиқ сурьатларнинг тезлашиши давом этмоқда, Марказий Осиё минтақасида эса ҳарорат икки баробар тезроқ кўтарилмоқда. Минтақа музликларининг қарийб учдан бир қисми йўқолди, ёнғинларчилик

тартибининг беқарорлиги кузатилмоқда, сув ресурслари танқислиги ортиб бормоқда. Ер майдонларининг 80 миллион гектари алақачон деградацияга учради.

Глобал экологик бирдамлик заифлашгандан чуқур хавотир уйғотмоқда. Декларациялар ва давлатлар ресурслар билан мустаҳкамланмангити. Глобал иқлим ўзгаришига энг кам таъсир кўрсатаётган мамлакатлар унинг оқибатлари билан яна яққола ёлғиз қолмоқда.

Халқаро ҳамжиҳатлик, энг аввало, ривожланаётган мамлакатларнинг иқлим ўзгариши билан боғлиқ молиялаштириш, илгор технологиялар ва инновациялардан ўз вақтида, адолатли ва тўқисиз фойдаланиш имконияти билан таъминланишида намоён бўлиши лозим деб қатъий ишонамиз.

Шуни мамнунийат билан қайд этмоқчиманки, Марказий Осиё давлатлари атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалаларини минтақавий ҳамкорликнинг энг муҳим устувор йўналиши даражасига кўтаришга муваффақ бўлди. “Марказий Осиё учун яшил кун тартиби” минтақавий дастури, Иқлим ўзгаришига мослашиш бўйича минтақавий стратегия ҳамда Барқарор ривожланиш учун атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича минтақавий дастур бундай шерикликка мисол бўла олади.

► Давоми 2-бетда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ОРОЛНИ ҚУТҚАРИШ ХАЛҚАРО ЖАМҒАРМАСИ ТАЪСИСЧИ ДАВЛАТЛАРИ РАҲБАРЛАРИ КЕНГАШИ МАЖЛИСИДАГИ НУТҚИ

Хурматли делегациялар раҳбарлари!

Авалло, самимий меҳмондўстлик ва саммитимизни аъло даражада ташкил этгани учун Қозоғистон Республикаси Президенти, хурматли Қосим-Жомарт Кемелевич Тоқаев Жаноби Олийларига билдирилган миннатдорлик сўзларига қўшилиман.

Қозоғистонлик дўстларимизнинг Оролни қутқариш халқаро жамғармасига самарали раислигини юксак баҳолаймиз. Ўзаро ишонч ва мулоқотни мустаҳкамлаш, Жамғарма доирасидаги лойиҳаларни амалга ошириш ва унинг фаолиятини минтақанинг барча мамлакатлари маффаатларини ҳисобга олган ҳолда тақомиллаштириш бўйича салмоқли ишлар бажарилди.

Бутун қабул қилинаётган яқуний ҳужжатларни қўллаб-қувватлаймиз. Уларнинг амалга оширилиши минтақавий ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш ва Орол денгизи ҳавзасида барқарор тараққиётни таъминлаш йўлида муҳим қадам бўлади.

Хурматли саммит иштирокчилари!

Оролни қутқариш халқаро жамғармаси мамлакатларимиз мустақиллигининг илк даврида Марказий Осиёдаги сув билан боғлиқ, ижтимоий-иқтисодий ва экологик соҳаларда энг муҳим масалаларни ҳал этиш учун ташкил этилган ноёб минтақавий тузилма бўлиб қолмоқда.

Жамғарма минтақада сифат жиҳатдан янги давлатлараро муносабатларни қарор топтириш, минтақавий ҳамкорликни ривожлантириш ва мустаҳкамлашга катта ҳисса қўшди.

Йўлга қўйилган ўзаро ҳамкорлик тизими туфайли Жамғарма Орол денгизи ҳавзаси сув ресурсларини келишилган ҳолда бошқаришни таъминлашга эришди.

Марказий Осиёда сув тақчиллигининг кучайишига олиб келаётган иқлим ўзгаришлари ва сув истеъмоли кўпайиб бораётган шaroитда Жамғарманинг роли ва аҳамияти янада ортиб бормоқда.

Экспертларнинг баҳоларига кўра, 2040 йилга бориб, Орол денгизи ҳавзасида сув ресурслари тақчиллиги деярли икки баробар — йилга 20 миллиард куб метргача ошиши мумкин. Бу ичимлик суви таъминоти, экология, аграр сектор, энергетика ва ижтимоий барқарорлик учун қўшимча хавф-хатарларни юзага келтиради.

Шундай бир пайтда мамлакатларимиз сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлиги бўйича энг куйи ўринларни эгаллаб турибди. Кишлоқ хўжалигида бир доллар микдоридagi қўшилган қийматни яратиш учун давлатларимиз деярли уч куб метр сув сарф этмоқда, дунёда эса бу кўрсаткич ўртача икки баробар кам.

Минтақада юзага келаётган вазият биздан сув-энергетика ва экология соҳаларида пухта ўйланган ҳамда комплекс ечимларни биргаликда ишлаб чиқиш ва амалга оширишни талаб этади.

Хурматли ҳамкасблар! Бутун эрталаб Минтақавий экологик саммитда Ўзбекистонда миллий иқтисодиётни иқлим ўзгаришига мослаштириш ва атроф-муҳитни муҳофаза

қилишни кучайтириш бўйича олиб борилаётган ишлар ҳақида айтиб ўтган эдим.

Ҳозир эса Жамғарманинг асосий устувор йўналишларидан бири бўлган сувдан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича қўрилаётган чора-тадбирлар ҳақида батафсил тўхталиб ўтишга ижозат бергайсиз.

Қисқа мuddатда Ўзбекистондаги барча суғориладиган ерларнинг 60 фоизида сувни тежайди-ган технологиялар жорий этилди, ирригация тармоқларини бетонлаш 40 фоизга етказилди. Насос станцияларини модернизация қилиш ҳисобига сув хўжалигида энергия истеъмоли қарийб 30 фоизга қисқартирилди. 600 мингдан ортиқ сувдан фойдаланувчилар ва 4 миллион гектардан зиёд суғориладиган ерларни қамраб оладиган яна рақамли маълумотлар базаси шакллантирилмоқда.

Ушбу чора-тадбирларнинг амалга оширилиши туфайли ҳар йили 10 миллиард куб метрдан ортиқ сув ресурсларини тежаш таъминланмоқда. 2030 йилга бориб эса бу кўрсаткич 15 миллиард куб метрни ташкил этади. Мазкур чораларнинг барчаси комплекс ва изчил характерга эга бўлиб, ўтган йили қабул қилинган Сув кодексига ўз ифодасини топган.

Қадрли дўстлар! Келгуси йилдан Оролни қутқариш халқаро жамғармасига раислик Ўзбекистонга ўтади.

► Давоми 2-бетда

2026 йил 23 апрель, 80-сон



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ МИНТАҚАВИЙ ЭКОЛОГИК САММИТДАГИ НУТҚИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ОРОЛНИ ҚУТҚАРИШ ХАЛҚАРО ЖАМҒАРМАСИ ТАЪСИСЧИ ДАВЛАТЛАРИ РАҲБАРЛАРИ КЕНГАШИ МАЖЛИСИДАГИ НУТҚИ

Бошланиши 1-бетда

Бугунги форумда “Марказий Осиё экологик бирдамлиги” декларацияси, шунингдек, БМТ тузилмалари билан яқин шерикликда амалга оширилади, 2030 йилгача мўлжалланган Ҳаракатлар дастурининг қабул қилиниши умумий ишимизга муҳим ҳисса бўлиб қўйилади.

Хурматли ҳамкасблар! Ўзбекистон экологик барқарорлиқни шакллантириш бўйича аниқ мақсадли ва тизимли чора-тадбирларни амалга оширмакд.

“Яшил макон” лойиҳаси доирасида қарий 1 миллиард тул дарахт ва бута экилди. Орол денгизининг қуриқчилик тубида 2 миллион гектардан ортиқ майдонда ўрмонзорлар барпо этилиб, янги “яшил белбоғ”лар яратилмоқда. Бизнинг ташаббусимиз билан БМТ Бош Ассамблеясининг “Ўрмонлаштириш ва ўрмонларни тиклаш бўйича ҳаракатлар ўн йиллиги” резолюцияси қабул қилинди.

Сувни тежаш борасидаги кенг қўламли сай-ҳаракатлар натижасида биз йилга 10 миллиард куб метр сувни иккисга қилмоқдамиз. Генерация қувватларимизда “яшил” энергетика улуши аллақачон 30 фоизга етди, жорий ўн йилликнинг охирига бориб эса 50 фоиздан ошади. Биз Париж битими бўйича зарарли чиқиндиларни 35 фоизга камайтириш мажбуриятини мuddатидан олдин бажардик ва олдимизга янги мақсад — уларни 2035 йилгача икки баробар қисқартириш вазифасини қўйдик.

Чиқиндилардан энергия ишлаб чиқариш бўйича лойиҳалар фаол амалга оширилмоқда. Жорий йилда чиқиндиларни ёқиб бўйича иккита янги завод ишга туширилди, яна 9 таси эса келгуси икки йил давомида фаолиятини бошлайд.

Уларнинг ишга туширилиши ҳар йили 5,5 миллион тонна чиқиндини утилизация қилиш, 2,2 миллиард киловатт-соат электр энергияси ишлаб чиқариш, шунингдек, чиқиндилар ҳажминини 1 миллион тоннадан ортиққа қисқартириш имконини беради.

Хурматли делегациялар раҳбарлари! Ишончим комилки, Марказий Осиё давлатлари иқлим ва экология муаммолари қаршичида, хавф-хатарларни янги

ўшиш нуқталарига айлантирган ҳолда, ҳамкорликда ҳаракат қилиши лозим. Шу муносабат билан бир қатор аниқ тақлифларни тақдим этмоқчиман.

Биринчи. Атмосфера ҳавосининг сифати ёмонлашган шароитда “Марказий Осиёнинг тоза ҳавоси” давлатлараро консорциумини таъсис этиш минтақа аҳолиси саломатлигини ҳимоя қилишда муҳим қадам бўлади деб ҳисоблайман.

Консорциум саноатни модернизация қилиб, ҳавога чиқарилаётган зарарли моддалар учун тозалаш тизимларини жорий этадиган “яшил” молиялаштиришнинг қўшма операторига айланиши мумкин.

Иккинчи. Ўзбекистондаги Яшил университет ҳузурида фаолият юритаётган Чўлланишга қарши курашиш, қурғоқчиликнинг олдини олиш ҳамда қум ва чанг бўронлари ҳақида барвақт оголхатирини марказига минтақавий макон беришни тақлиф этаман.

Марказ базасида илмий салоҳиятни бирлаштириш ерларнинг деградацияси ҳамда туз ва чангли бўронларни мониторинг қилиш бўйича кучли тизимни яратиш имконини беради.

Учинчи. Технологик ўтиш жараёнларини тезлаштириш учун “Марказий Осиё яшил савдо йўлаги”ни шакллантиришни тақлиф қиламан.

Имтиёзли боғжона тартибларини жорий этиш ва экомаҳсулотлар учун сертификатларни ўзаро тан олиш ишлаб чиқаришни жадал модернизация қилиш ва маҳсулотларимизнинг рақобатбардошлигини ошириш имконини беради.

Тўртинчи. Марказий Осиё иқлим лойиҳаларининг ягона инвестиция портфелини яратиш кейинги қадам бўлиши керак. Бу бизга тарқоқ ташаббуслар билан эмас, балки минтақани ривожлантириш бўйича яхлит стратегия билан ҳаракат қилиш имконини беради. Бу эса, ўз навбатида, уни амалга ошириш учун шерикларимизда қизиқишни кучайтиради.

Бешинчи. Марказий Осиё атроф-муҳитидаги ўзгаришларнинг ягона минтақавий атласини яратиш ҳам минтақавий келажаги учун муҳим аҳамиятга эга.

Аминманки, бу атлас минтақадаги чўлланни, тупроқ деградацияси жараёнлари ва сув ресурслари ҳолати динамикасини яққол ифода этадиган фундаментал илмий-таҳлилий базага айланади.

Олтинчи. Биологик хилма-хилликни сақлаш учун “Марказий Осиё Қизил китоби”ни биргалликда ишлаб чиқишни тақлиф этамиз. Халқаро табиятни муҳофаза қилиш иттифоқининг Тошкентдаги минтақавий офиси бу ишда мувофиқлаштирувчи бўлиши мумкин.

Минтақа “Қизил китоб”и йўқолиб бораётган турларнинг шунчаки рўйхатидан иборат бўлиб қолмасдан, соҳада ҳамкорликдаги ишимиз учун амалий платформага айланиши лозим.

Еттинчи. Иқлим кун тартиби ва экологик маданиятни илгари суриш учун экологик таълим ва ёшларни фаол жалб этиш жуда муҳим. Шу мақсадда Давомида бўлиб ўтган COP-29 анжумани давомидат мамлакатларимиз ёшлари иштирокида Экология бўйича маслаҳат қўмитаси тузилган эди. Ушбу қўмита платформасида 2027 йилда Ўзбекистонда Бутунжаҳон ёшлар иқлим форумини ўтказишни тақлиф этаман.

Саккизинчи. Экологик кун тартибини илгари суриш доирасида шу йилнинг 31 май – 5 июнь кунлари Самарқандда Глобал экологик фондинг саккизинчи ассамблеяси, сентябрь ойи охирида эса Сувни тежаш бўйича бутунжаҳон форуми бўлиб ўтади.

Сизларни ўшбу халқаро анжуманларда фаол иштирок этишга тақлиф этаман. Аминманки, уларнинг тақлифлари мамлакатларимиз ва бутун минтақанинг барқарор ривожланишига қаратилган амалий ташаббусларни рўёбога чиқаришга салмоқли ҳисса қўшади.

Хурматли саммит иштирокчилари! Замонавий экологик таҳдидлар мамлакатларимиз барқарорлигини синовдан ўтказмоқда.

Бугун қабул қилинаётган ҳужжатларнинг ҳаётга тўлиқ таътиқ этилиши бизга нафақат табиатдаги кучайиб бораётган хавф-хатарларга самарали мослашиш, балки уларни технологик янгилаштириш, иқтисодий ўсиш ва ижтимоий барқарорликнинг кучли омилига айлантириш имконини беради.

Ишончим комил, кўп асрлик яхши қўшничилик аъёнларига таянган ва қатъий сиёсий иродамизни намоён этган ҳолда, биз Марказий Осиёни экологик фаровонлик ва барқарор ривожланиш маконига айлантирамиз.

Эътиборингиз учун раҳмат.

Бошланиши 1-бетда

Биз Жамғармани минтақавий интеграциянинг муҳим драйверларидан бирига айлантириш ниятидамыз.

Шу муносабат билан раислигимизнинг устувор йўналишлари ҳақида маълумот бериб ўтмоқчиман.

Биринчи. Жамғарманинг фаолиятини ривожлантириш ва модернизация қилиш. Яратилган лойиҳалар доирасида Жамғарманинг тузилмаси ва шартномавий-ҳуқуқий базасини такомиллаштиришни давом эттириш, унинг органлари ваколатларини аниқ тақсимлашни таъминлаш зарур.

Шу мақсадлар учун ташкил этилган минтақавий ишчи гуруҳи 15 та мажлис ўтказди. Жамғарма фаолиятидаги муаммолар таҳлил қилинди, унинг вазифа ва функциялари янада аниқ белгилаб олинди. Энди барча мамлакатлар манфаатларини ҳисобга олган ҳолда унинг тузилмаси, норматив-ҳуқуқий база ва молиялаштириш механизмларини келишиб олиш зарур.

Жамғарма органларининг ваколатларини кенгайтириш, мақоми ва масъулиятини ошириш бўйича тақлифларни қўллаб-қувватлаймиз. Ишончим комилки, ушбу масалаларнинг барчаси бўйича оқилона муросяа келамиз.

Қардош Қирғиз Республикасининг Оролни қутқариш халқаро жамғармаси фаолиятидаги тўлақонли иштироки қайта тикланишига чин дилдан умид қиламиз. Бу Жамғарманинг янада мутаносиб ва узоқ мuddатли қарорлар қабул қилишига хизмат қилади.

Иккинчи. Жамғарма кун тартибини Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат учрашувлари қарорлари билан уйғунлаштириш.

Маслаҳат учрашувлари минтақавий ривожланишнинг асосий сиёсий йўналишларини шакллантиришда. Шу боис, мазкур саммитлар қарорлари ва Жамғарма фаолияти ўртасида яқин алоқани таъминлаш муҳимдир.

Бу каби учрашувлар давомида олий даражада келишилган барқарор ривожланишнинг устувор йўналишлари Жамғарманинг тармоқ механизмлари орқали ҳам амалиётга таътиқ этилиши мумкин.

Учинчи. Жамғарма дастур ва лойиҳалари самарадорлигини ошириш.

Орол денгизи ҳаваси бўйича тўртинчи дастур доирасида 34 та минтақавий лойиҳани амалга ошириш кўзда тутилган. Афсуски, бугунги кунга қадар унинг натижадорлигини баҳолаш бўйича ягона ёндашув ишлаб чиқилмаган.

Шу муносабат билан биз дастур ижроси мониторингига самарадорликнинг ҳал қилувчи индикаторларини киритишни тақлиф этамиз. Бу ижобий ўзгаришларни кузатиш, муаммоли жиҳатларни аниқлаш ҳамда халқаро ҳамкорлардан қўшимча маблағ ва техник кўмак жалб этишга ёрдам беради.

Тўртинчи. Жамғарманинг устувор дастурлари учун мавjud таъсирчан молиялаштириш воситаларидан фойдаланиш.

Масалан, БМТнинг Оролбўйи минтақаси учун Инсон хавфсизлиги бўйича кўпшериклиқ траст фонди платформасидан фойдаланишни тақлиф этамиз. У молиявий ресурсларни жамлаш ҳамда улардан самарали фойдаланиш бўйича муваффақиятли тажрибага эга.

Биз Траст фондининг мандати ва географик қамровини биргалликда бутун Орол денгизи ҳавасига кенгайтириш имкониятини кўриб чиқишимиз мумкин. Бу барча давлатлар ҳудудида ҳаётий муҳим экологик ва ижтимоий-иқтисодий лойиҳаларни амалга ошириш учун мақсадли инвестицияларни йўналтириш имконини беради.

Бешинчи. Жамғарма ва бошқа минтақавий тузилмалар ўртасида фаол ҳамкорликни йўлга қўйиш.

Оролни қутқариш халқаро жамғармаси сув-энергетика масалалари, музликлар ва тоғ экотизимларини сақлаш, иқлим ўзгаришига мослашиш, чўлланишга қарши курашиш бўйича самарали минтақавий платформалар билан амалий ҳамкорликни йўлга қўйиши зарур. Хусусан, Жамғармага Тошкентдаги Яшил университет қошидаги Чўлланишга қарши курашиш маркази билан ҳамкорликда мақсадли лойиҳаларни амалга оширишни тақлиф этамиз.

Олтинчи. Халқларимизнинг сувга ҳаёт манбаи сифатида эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш борасидаги кўп асрлик аъёнларини қайта тиклаш.

Кўриниб турибдики, агар жамиятнинг сувга бўлган муносабати ўзгармаса, ҳеч қандай муҳандислик ечимлари кутилган самарани беради.

ОСТАНА САММИТИДА МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ИҚЛИМ ВА ЭКОЛОГИЯ МУАММОЛАРИНИ ҲАЛ ҚИЛИШ БЎЙИЧА ЯНГИ ТАШАББУСЛАР ИЛГАРИ СУРИЛДИ

Бошланиши 1-бетда

Давлатимиз раҳбари ўз нутқида Марказий Осиёдаги иқлим ва экология муаммоларини ҳал қилиш бўйича бир қатор аниқ ташаббусларни илгари сурди.

Атмосфера ҳавосининг сифати ёмонлашган шароитда “Марказий Осиёнинг тоза ҳавоси” давлатлараро консорциумини таъсис этиш тақлифи билдирилди. Консорциум саноатни модернизация қилиб, ҳавога чиқарилаётган зарарли моддалар учун тозалаш тизимларини жорий этадиган “яшил” молиялаштиришнинг қўшма операторига айланиши мумкин.

Президентимиз Тошкентдаги Яшил университет ҳузурида фаолият юритаётган Чўлланишга қарши курашиш, қурғоқчиликнинг олдини олиш ҳамда қум ва чанг бўронлари ҳақида барвақт оголхатирини марказига минтақавий макон бериш муҳимлигини таъкидлади. Марказ базасида илмий салоҳиятни бирлаштириш ерларнинг деградацияси ҳамда туз ва чангли бўронларни мониторинг қилиш бўйича кучли тизимни яратиш имконини бериши таъкидланди.

Технологик ўтиш жараёнларини тезлаштириш учун имтиёзли боғжона тартиблари ва экомаҳсулотлар учун сертификатларни ўзаро тан олишни назарда тутувчи “Марказий Осиё яшил савдо йўлаги”ни шакллантириш ташаббуси илгари сурилди.

Марказий Осиё иқлим лойиҳаларининг ягона инвестиция портфелини яратиш долзарб масала эканлиги қайд этилди. Бу минтақани ривожлантириш бўйича яхлит стратегия билан ҳаракат қилиш имконини яратиш, шерикларда уни амалга оширишга бўлган қизиқишни кучайтиради.

Марказий Осиё атроф-муҳитидаги ўзгаришларнинг ягона минтақавий атласи яратилиши минтақадаги чўлланни, тупроқ деградацияси жараёнлари ва сув ресурслари ҳолати динамикасини яққол ифода этадиган фундаментал илмий-таҳлилий базага айланиши мумкин.

Биологик хилма-хилликни сақлаш учун “Марказий Осиё Қизил китоби”ни ишлаб чиқиш, бу жараёнда Халқаро табиятни

муҳофаза қилиш иттифоқининг Тошкентдаги минтақавий офисини мувофиқлаштирувчи сифатида белгилаш тақлиф қилинди.

Ёшлар орасида иқлим кун тартиби ва экологик маданиятни илгари суриш учун 2027 йилда Ўзбекистонда Бутунжаҳон ёшлар иқлим форумини ўтказишга таъйирик билдирилди.

Давлатимиз раҳбари сўзининг якунида тадбир иштирокчиларини шу йил Самарқандда бўлиб ўтадиган Глобал экологик фондинг саккизинчи ассамблеяси ва Сувни тежаш бўйича Бутунжаҳон форумида иштирок этишга тақлиф этди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Остона шаҳрида ўтаётган Минтақавий экологик саммит доирасида БМТнинг Атроф-муҳит бўйича дастури ижроси директори Ингер Андерсен билан мулоқот қилди.

Атроф-муҳитини муҳофаза қилиш, барқарор ривожланиш ва иқлим муаммоларига қарши курашиш соҳасидаги ҳамкорликнинг асосий йўналишлари кўриб чиқилди. Ўзаро ҳамкорлик, шу жумладан, миллий экологик маърузаларни тайёрлаш, атроф-муҳит мониторингини тизимини такомиллаштириш ва институционал салоҳиятни мустаҳкамлаш масалаларида изчил ривожланиб бораётгани қайд этилди.

Ижроси директор Ўзбекистонда амалга оширилаётган “Яшил макон”, “Биомерос”, “Тоза ҳаво”, “Чиқиндисиз ҳудуд” ва “Эко маданият” каби миллий лойиҳаларни юқори баҳолади. Уларнинг экологик барқарорлиқни таъминлаш ва аҳоли турмуш сифатини оширишдаги аҳамияти қайд этилди.

Ингер Андерсен, шунингдек, Ўзбекистон Президентининг бугунги саммитда илгари сурилган ташаббусларини рўёбога чиқариш бўйича амалий шерикликни кенгайтиришга таъйиригини билдирди.

Сўнг Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Оролни қутқариш халқаро жамғармаси (ОҚХЖ) таъсисчи давлатлари раҳбарлари кенгашининг навбатдаги йилгишида иштирок этди.

Қозғистон Президенти Қосим-Жомарт Тоқев раислигида ўтган тадбирда

Қирғизистон Президенти Саидр Жапаров, Тожикистон Президенти Эмомали Раҳмон, Туркманистон Президенти Сердар Берди-мухамедов ва ОҚХЖнинг Ижроа қўмитаси раиси Асхат Оразбай ҳам қатнашди.

Кун тартибига мувофиқ, Қозғистоннинг 2023-2026 йилларда ОҚХЖга раислигининг натижалари сарҳисоб қилиниб, Орол денгизи ҳавасида экология, сув ресурсларини бошқариш ва ижтимоий-иқтисодий ҳолатни яхшилашнинг долзарб масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Ўзбекистон Президенти ўз нутқида Оролни қутқариш халқаро жамғармаси ноёб минтақавий тузилма сифатида фаолият юритиб келётганини, Марказий Осиёда сув тақчиллигининг кучайишига сабаб бўлаётган иқлим ўзгаришлари ва сув истеъмоли кўпайиб бораётган шароитда унинг роли ва аҳамияти янада ортаётганини таъкидлади.

— Экспертларнинг баҳоларига кўра, 2040 йилга бориб, Орол денгизи ҳавасида сув ресурслари тақчиллиги деярли икки баробар — йилга 20 миллиард куб метргача ошиши мумкин. Бу ичимлик суви таъминоти, экология, аграр сектор, энергетика ва ижтимоий барқарорлик учун қўшимча хавф-хатарларни юзга келтиради, — деди Шавкат Мирзиёев.

Шундай бир пайтда минтақа мамлакатлари сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлиги бўйича энг қуйи ўринларни эгаллаб турибди. Қишлоқ ҳўжалигида бир доллар микдоридаги қўшилган қийматни яратиш учун мамлакатларимиз деярли уч куб метр сув сарф этмоқда, дунёда эса бу кўрсаткич ўртача икки баробар кам.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистонда сувдан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича қўрилаётган чора-тадбирларга баътафсил тўхталиб ўтди. Қисқа мuddатда Ўзбекистондаги барча суғориладиган ерларнинг 60 фоизига сувни тежайдиган технологиялар жорий этилди, ирригация тармоқларини бетонлаш 40 фоизга етказилди. Насос станцияларини модернизация қилиш ҳисобига сув ҳўжалигида энергия истеъмоли қарийб 30 фоизга қисқартирилди.

Олти юз мингдан ортиқ сувдан фойдаланувчилар ва 4 миллион гектардан зиёд суғориладиган ерларни қамраб оладиган ягона рақамли маълумотлар базаси шакллантирилмоқда.

Мазкур лойиҳалар амалга оширилиши туғайли ҳар йили 10 миллиард куб метрдан ортиқ сув ресурсларини тежаш таъминланмоқда. 2030 йилга бориб эса бу кўрсаткич 15 миллиард куб метрни ташкил этади.

Ушбу чора-тадбирларнинг барчаси комплекс ва изчил характерга эга бўлиб, ўтган йили қабул қилинган Сув кодексига ўз ифодасини топган.

Мамлакатимиз етакчиси Ўзбекистон жамғармани минтақавий интеграциянинг муҳим драйверларидан бирига айлантириш эришини мақсад қилганини билдирди. Шу муносабат билан Ўзбекистоннинг келгуси йилдан бошланадиган ОҚХЖга раислиги давридаги устувор йўналишларга тўхталиб ўтди.

Авалло, жамғарманинг фаолиятини ривожлантириш ва модернизация қилиш, унинг тузилмаси ҳамда шартномавий-ҳуқуқий базасини такомиллаштириш зарурлиги қайд этилди. Жамғарма органларининг ваколатларини кенгайтириш, уларнинг мақоми ва масъулиятини ошириш бўйича тақлифлар қўллаб-қувватланди.

Қирғизистоннинг Оролни қутқариш халқаро жамғармаси фаолиятидаги тўлақонли иштироки қайта тикланишига умид билдирилди. Бу жамғарманинг янада мутаносиб ва узоқ мuddатли қарорлар қабул қилишига хизмат қилиши таъкидланди.

Ўзбекистон етакчиси ОҚХЖ кун тартибини Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат учрашувлари қарорлари билан уйғунлаштиришга қақирди. Маслаҳат учрашувлари давомида олий даражада келишилган барқарор ривожланишнинг устувор йўналишлари жамғарманинг тармоқ механизмлари орқали ҳам амалиётга таътиқ этилиши мумкинлиги таъкидланди.

Жамғарма дастур ва лойиҳалари самарадорлигини ошириш муҳимлиги қайд этилди. Шу муносабат билан Орол денгизи ҳаваси бўйича тўртинчи дастур ижроси мониторингига самарадорлигини муҳим кўрсаткичлар

рини киритиш тақлиф қилинди. Бу ижобий ўзгаришларни кузатиш, муаммоли жиҳатларни аниқлаш ҳамда халқаро ҳамкорлардан қўшимча маблағлар ва техник кўмак жалб этишга ёрдам беради.

Устувор дастурлар учун мавjud таъсирчан молиялаштириш воситаларидан фойдаланиш зарурлиги таъкидланди. Хусусан, БМТнинг Оролбўйи минтақаси учун Инсон хавфсизлиги бўйича кўпшериклиқ траст фондининг мандати ва географик қамровини бутун Орол денгизи ҳавасига кенгайтириш имкониятини кўриб чиқиш тақлифи билдирилди.

— Бу барча давлатларимиз ҳудудида ҳаётий муҳим экологик ва ижтимоий-иқтисодий лойиҳаларни амалга ошириш учун мақсадли инвестицияларни йўналтириш имконини беради, — деди Шавкат Мирзиёев.

ОҚХЖ ва бошқа минтақавий тузилмалар ўртасида фаол ҳамкорликни йўлга қўйиш масаласининг долзарблигига ургу берилди. Жамғарма сув-энергетика масалалари, музликлар ва тоғ экотизимларини сақлаш, иқлим ўзгаришига мослашиш, чўлланишга қарши курашиш бўйича самарали минтақавий платформалар билан амалий ҳамкорликни йўлга қўйиши зарур. Бунга мисол сифатида жамғармага Тошкентдаги Яшил университет қошидаги Чўлланишга қарши курашиш маркази билан ҳамкорликда мақсадли лойиҳаларни амалга ошириш тақлиф этилди.

Ўзбекистон Президенти халқларимизнинг сувга ҳаёт манбаи сифатида эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш борасидаги кўп асрлик аъёнларини қайта тиклаш заруратига алоҳида эътибор қаратди.

— Кўриниб турибдики, агар жамиятнинг сувга бўлган муносабати ўзгармаса, ҳеч қандай муҳандислик ечимлари кутилган самарани беради. Узуқисиз таълим тизими орқали — мактабга таълим даражасидан то мутахассисларни тайёрлашгача — сувдан оқилона фойдаланишни ҳар бир кишининг кундалик одати, умумий маданий кодимиэга айлантиришга интилишимиз лозим, — деди давлатимиз раҳбари.

Шунингдек, асосий қисми фермерлар ва саноатчиларни сувни тежовчи замонавий

технологиялардан фойдаланишга амалий жиҳатдан ўргатадиган “Келажак суви” минтақавий дастурини ишга тушириш тақлиф этилди.

Ўзбекистон етакчиси Афғонистон билан конструктив ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва уни иқлим, экология, қишлоқ ва сув ҳўжалиги масалалари бўйича минтақавий ҳамкорликка жалб этиш муҳимлигини таъкидлади. Бугунги кунда Афғонистонда қирғоқларни мустаҳкамлаш ва мелиорация ишларини олиб бориш учун халқаро донорларнинг молиявий маблағларини жалб этиш долзарбдир.

Истикболда Орол ҳавасидаги барча мамлакатлар, шу жумладан, Афғонистоннинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини ҳисобга олган ҳолда сув ресурсларини тақсимлаш бўйича минтақавий шартномавий-ҳуқуқий базани шакллантириш зарур.

Давлатимиз раҳбари сўзининг якунида 2026-2036 йилларни “Марказий Осиёда сув ресурсларини тақсимлаш бўйича ҳаракатлар ўн йиллиги” деб эълон қилиш ва минтақа мамлакатларида Сув ҳафталикларини мунтазам ўтказиб боришга қаратилган ташаббуслар амалга оширилишининг қўллаб-қувватланишига умид билдирди.

Ўзбекистон Президенти қўшни мамлакатлар етакчиларини шу йилнинг сентябрь ойида Самарқандда бўлиб ўтадиган Сувни тежаш бўйича Бутунжаҳон форумида иштирок этишга яна бир бор тақлиф этди.

ОҚХЖ йилгишида Қозғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркманистон раҳбарлари ҳам сўзга чиқдилар.

Тадбир якунида етакчилар Остона

2026 йил 23 апрель, 80-сон

www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news



yuz.uz_news



Кун мавзуси

намоиш этиш, харидорларни таништириш имконияти катта. Компаниямиз 27 йилдан бери фаолият юротади ва Ўзбекистонда илк бор савдо кизматлари учун совитиш ускуналарини ишлаб чиқаришни йўлга қўйган корхоналардан. Ҳозир бундай маҳсулотларга талаб ниҳоятда катта. Ресторанлар, савдо дўконларидан тортиб, исталган йўналишда турил ҳажмдаги совитиш ускуналарига зарурат ошиб бормоқда. Айниқса, кейинги йилларда ойнали дизайндаги ширинлик витриналарига талаб юқори. Биз бундай маҳсулотларни қўшни давлатлардан ташқари Африка мамлакатлари, Руминияга экспорт қилаёмиз. Харидорларнинг асосий талаби витриналар оддий совитиш ускунаси эмас, балки замонавий дизайн ва кўринишга эга эстетик восита бўлиши керак. Бу маҳсулотлар сотишда муҳим. Шу боис, харидоримиз кўп.



Тадбиркорлар ўртасидаги янги битим

ИННОПРОМ: САНОАТНИНГ ЭНГ ИЛГОР ЮТУҚЛАРИ НАМОЙИШИ

Анъанага кўра, апрелнинг сўнги кунларида Тошкент шаҳри катта форматдаги саноат ҳафталигига мезбонлик қилмоқда. Шу боис, айни кунларда турли давлатлардан келган хорижий делегациялар вакиллари юртимизда меҳмон бўлиб турибди. Пойтахтимиздаги "САЕХ Uzbekistan" халқаро кўргазмалар марказида 20-22 апрель кунлари бўлиб ўтган "ИННОПРОМ. Марказий Осиё" саноат кўргазмасида 40 яқин давлатдан 10 мингдан зиёд иштирокчи, 500 дан ортиқ хорижий компаниялар вакиллари иштирок этди.

Кўргазмада Марказий Осиё давлатлари саноатининг илгор технологиялари намоиш этилиб, саноат инновациялари ва ҳамкорлик учун муҳим платформага айланган. Маҳаллий ҳамда хорижий катнашчилар павильонларда ўз стендларини ўрнатиб, саноат маҳсулотлари, инновацион технология ва лойиҳалари билан иштирок этди. Кўргазма майдони бўйлаб машинасозлик, металлургия, электротехника, кимё саноати, транспорт, қурилиш материаллари, фармацевтика, энергетика ва қишлоқ хўжалиги соҳаларига оид юзлаб ишланмалар намоиш этилди. Иштирокчилар, турли компания вакиллари ва инвесторлар тадбир доирасида ташкил этилган пленар ва панель сессиялар, В2В учрашувлари, давра суҳбатларида ўзаро самарали мулоқотга киришиб, янги алоқалар ўрнатилиши имкониятига эга бўлди.

Кўргазмага қизиқиш тобора ортиб бораётгани бу йилги иштирокчи давлатлар географияси янада кенгайганида ҳам кўринди. Платформанинг аънанавий катнашчилари бўлган Марказий Осиё давлатларидан ташқари, Афғонистон, БАА, Хитой делегациялари иккинчи бор тадбир меҳмонларига айланганига гувоҳ бўлдик. Нигерия, Гана ҳамда Африканинг бошқа давлатларидан келган вакиллар эса ушбу кўргазмада илк бор иштирок этди. Бу "ИННОПРОМ. Марказий Осиё — 2026" халқаро кўргазмаси нафақат минтақавий, балки глобал иқтисодий мулоқотни кучайтиришда муҳим платформага айланганидан далolat.

Бугун Ўзбекистон ҳамкорларга катта бозор билан бирга саноат кооперацияси, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ҳамда бутун минтақа ва учинчи мамлакатлар бозорига чиқиш учун тўлақонли платформани тақдир этмоқда. Минтақавий ҳамкорликни ривожлантиришда бу платформанинг ўрни алоҳида. Утган йил якуналари бўйича мамлакатимизнинг Марказий Осиёдаги шериклари ва Россия билан товар айланмаси қарийб 22 миллиард долларни ташкил этди. Ҳозир улар иштирокчида 5500 та қўшма корхона фаолият юритишти. Турли соҳаларда қиймати 47 миллиард доллардан зиёд 330 дан ортиқ лойиҳа амалга оширилмоқда.

Халқаро саноат кўргазмасида нафақат минтақамиз давлатлари, балки Европа, Осиё, Африка ва бошқа ҳудудлардан ҳам ҳамкорлар иштирок этаётгани Марказий Осиёга саноат ўсиши, технологик янгилиниш ва ишбилармонлик ҳамкорлиги мақоми сифатида халқаро қизиқиш ортиб бораётганини тасдиқлайди. Тадбирнинг Тошкентда ўтказилаётгани эса Ўзбекистоннинг минтақадан янги ишлаб чиқариш ҳамда логистика занжирларини шакллантиришдаги роли тобора ортиб бораётганини акс эттиради.



Тадбиркорлар, ишлаб чиқарувчилар учун эса бу айни муқола. Улар ана шу майдонда ўз маҳсулотларини намоиш этиш баробарида, эришган саноат ютуқлари ва илгор жараёнларда бошқалардан кўра устуни жиҳатларини кўрсатиши имкониятига эга бўлди. Бу борада маҳаллий тадбиркорлар ҳам хорижийлардан қолишмади. Инновацион маҳсулотлар орасида ўзимизнинг брендлар талайгина экани кўзга ташланди.

Хусусан, юртимиздаги "Alp Texno Servis" компанияси кўргазмада янги турдаги маҳсулотини намоиш этди. Бу замонавий реклама монитори бўлиб, қурилишнинг 70 фозидан ошқ қисми юртимизда ишлаб чиқарилгани, ҳатто дастурий таъминоти тўлиқ раҳамланганлиги билан кўпчиликнинг эътиборини тортиди. Қурилма реклама эълонларини намоиш этишга мўлжалланган бўлиб, онлайн бошқарув тизимига эга. Дастурий таъминоти Ўзбек, рус ва инглиз тилларида бошқариш мумкин. Маҳсулот сифати ва ҳамёноблиги жиҳатдан кўра хорижий мукобиларидан устуни. Шу боис, ИННОПРОМ кўргазма майдонининг ўзидаёқ қурилмага талаб ошиб кетди.

Янги турдаги реклама мониторини намоиш этганидан сўнг кўргазмада иштирок этаётган компаниялардан дарҳол буюртмалар туша бошлади, — деди "Alp Texno Servis" компанияси раҳбари Шухрат Муродов. — Улар шу жойнинг ўзидаёқ мониторларни олиб, павильонда фойдаланди. Очиги, кўргазма давомида харидорларга тинимсиз маҳсулот етказиб бердик. Россиялик тадбиркорлар ҳам жуда катта қизиқиш билдирди. Уларни асосан мониторга реклама жойлаштириш қўлайлиги ва осон бошқарилиши қизиқтирмоқда. Гап шундаки, монитори панелига исталган турдаги реклама смартфон орқали юкланади. Бунга ҳар қандай масофадан туриб амалга ошириш мумкин ва бир вақтнинг ўзида мингглаб панелни электрон тизим орқали бошқариш имконияти бор. Қурилмадан исталган жойда ва соҳада фойдаланиш мумкин. Шунинг учун ҳам талаб юқори бўляпти.

Бошқа маҳаллий компаниялар ҳам ўз маҳсулотлари орқали миллий брендларни намоиш этишга ҳисса қўшди. Кўргазма майдонининг "Made in Uzbekistan" павильони эса доимидек гўжам бўлди.

— Бу шунчаки кўргазма эмас, реал ҳамкорлар топшиш учун қўлай майдон, — дейди юртимиздаги "AZN" компанияси асосчиси ва раҳбари Анвар Назиров. — Бундай кўргазмалар замонавий савдонинг муҳим қисмига айланган бўлмоқда. Чунки уларда маҳсулотни кенг форматда

"ИННОПРОМ. Марказий Осиё" халқаро кўргазма майдонидан нафақат янги учрашувлар, ҳамкорлик алоқалари ўрнатилди, балки қиймати юқори йирик лойиҳалар, савдо битимлари имзоланди. Масалан, Утган йилги кўргазма доирасида эришилган савдо-иқтисодий ҳамкорлик келишувлари қиймати 5 миллиард доллардан ошган. Жорий йилги кўрсаткич янада юқори бўлиши кутилмоқда.

Саноат ҳафталигининг дастлабки кунлариданок қатор йирик лойиҳаларга старт берилди. Хусусан, халқаро кўргазма доирасида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Жамшид Хўжаев ҳамда Россия Федерацияси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Денис Мантуров иштирокчида "Alpestr" компаниялари гуруҳи онлайн тарзда Навоий вилоятида янги корхона янги тушириди. Бу косметика воситалари ва маиший кимё маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган заводнинг биринчи босқичи бўлиб, лойиҳа қиймати 35 миллион долларни ташкил этди. Заводнинг тўлиқ қувватда ишга туширилиши эса жорий йил июль ойига режалаштирилган.



Кўргазмада Россиянинг 16 та ҳудуди иштирокчига ҳудудларо ҳамкорликни чуқурлаштиришга хизмат қилувчи янги босқич сифатида қаралмоқда. Денис Мантуровнинг сўзларига кўра, бугун Ўзбекистонда Россия капитални иштирокчида 3000 дан ортиқ корхона фаолият юритиб, 150 дан зиёд инвестиция лойиҳаси амалга оширилмоқда.

Энди бу лойиҳалар қўламини янада кенгайтириш кутилляпти. "ИННОПРОМ. Марказий Осиё" олтинчи халқаро саноат кўргазмасида эришилган келишувлар шунга йўл очди. Хусусан, кўргазма доирасида Тошкент вилояти ва Оренбург ҳамда Архангелск вилоятлари делегациялари ўртасидаги музокарадан сўнг чорвачилик тармогини ривожлантириш, ветеринария хизмати сифатини ошириш, соҳада илгор тажрибаларни тағбиқ этиш ва замонавий қишлоқ хўжалиги техникаларини жалб қилиш бўйича дастлабки келишувларга эришилди.

Савдо-саноат палатаси Тошкент вилояти бўйқармаси ҳамда Вятка Савдо-саноат палатаси ўртасида эса ўзаро ҳамкорлик тўғрисидаги келишув имзоланди. Мазкур ҳужжат икки ҳудуд тадбиркорлиги субектлари ўртасида тўғридан тўғри ишбилармонлик алоқаларини ривожлантириш, биргаликда янги бизнес лойиҳаларини амалга оширишга йўл очди.

Шунингдек, Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги ҳузурдаги Ўзбекистон миллий метрология институтини Россия Федерациясининг инновацион ечимлар ишлаб чиқувчи "EIMetro-Intelligence" масъулияти чекланган жамияти билан ҳамкорлик битимини имзолади. Бу юртимиз метрология соҳасида халқаро ҳамкорликни ривожлантириш ва замонавий ўлчов инфратузилмасини шакллантириш йўлидаги муҳим қадам экани айтаётганда. Боиси, "EIMetro-Intelligence" МЧЖ компанияси саноат автоматизацияси ва юқори аниқликдаги ўлчов ускуналари ишлаб чиқаришда 25 йилдан кўпроқ тажрибага эга. Томонлар ўртасидаги янги ҳамкорлик алоқалари илмий-техник салоҳиятни бирлаштириш ва илгор тажриба алмашишга асосланади.

Умуман олганда, "ИННОПРОМ. Марказий Осиё — 2026" халқаро саноат кўргазмаси бу гал ҳам фаол урчушувлар, ҳамкорлик келишувларига бой бўлди. Саноат ҳафталиги эса юртимиз бўйлаб давом этапти. Хорижий меҳмонлар мамлакатимизнинг саноат ва инвестиция имкониятлари, ҳудудлардаги бизнес муҳити билан яқиндан танишмоқда.


Ирода ТОШМАТОВА, "Янги Ўзбекистон" мухбири

Ҳамкорлик истиқболлари



Uz.ilm

БАРҚАРОРЛИГИ ЙЎЛИДАГИ САЪЙ-ҲАРАКАТЛАРНИНГ МАНТИҚИЙ ДАВОМИ



Эльвира БИКЕЕВА, Макроиқтисодий ва ҳудудий тадқиқотлар институти лойиҳа раҳбари

Марказий Осиё сўнги йилларда иқлим ўзгариши оқибатларига тобора кўпроқ дуч келаётган ва дунёда ундан энг кўп зарар кўриши мумкин бўлган минтақалардан бири ҳисобланади. Сўнги 70 йил давомида Марказий Осиёда ҳарорат Цельсий шкаласи бўйича 1,5-2 даражага кўтарилди. Бу эса экологик муаммолар кескинлашуви, музликлар эриши ва чўлланиш тезлашишига олиб келяпти. Ушбу жараёнларнинг барчаси бир-бири билан ўзаро боғлиқ бўлиб, минтақадagi экотизимлар, иқтисодиёт ва одамлар ҳаётига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Камайтириш, "яшил" энергетика қувватини ошириш ва мослашувчанлик салоҳиятини мустаҳкамлаш бўйича ўз олдига юқори мақсадларни қўйди.

Қозғонистон 2060 йилга бориб, углерод нейтраллигига эришиш йўлини белгилаб олди, Ўзбекистон эса 2035 йилга бориб, янги ички маҳсулот бирлигига тўғри келадиган иссиқхона газлари эмиссиясини 2010 йилдагига нисбатан 50 фоз камайтириш бўйича мақсадли кўрсаткични оширди. Қирғизистон, Тожикистон ва Туркменистон ҳам глобал иқлим мақсадларига эришиш йўлидаги интилишларини тасдиқлаб, ўз ҳиссасини доимий равишда янгилаб, ошириб келмоқда.

Орол инқирози оқибатларига мослашиш масаласида сезиларли натижаларга эришилди. Хусусан, Орол денгизининг қуриган тубида Ўзбекистон томонида сўнги йилларда 2 миллион гектар ўрмонзор барпо этилди, Қозғонистон томонида 1 миллион гектардан ортиқ майдонда ўрмон-мелiorация ишлари олиб борилди.

Минтақавий ҳамкорликнинг ёрқин натижаларидан яна бири Шимолий Оролдаги вазият яхшиланиши бўлди. Сирдарё бўйидаги сув омборлари иш тартибини мувофиқлаштириш ва давлатларо келишувларни бажариш ҳисобига сўнги уч йилда денгизга 6 миллиард куб метрдан ортиқ сув келиб тушди. Натижада Шимолий Орол ҳамжи 2022 йил окхирдаги 18,9 миллиард куб метрдан 2025 йил окхирда 23 миллиард куб метргача ошди.

Билим алмашинуви ва илмий экологик экспертиза соҳасида ҳам минтақавий ҳамкорлик кенгаймоқда. Ўзбекистонда атроф-муҳит ва иқлим ўзгаришини ўрганиш бўйича Марказий Осиё университети ташкил этилиши ушбу ҳамкорлик натижаси бўлиб, минтақадa шу йўналишда кадрлар тайёрлаш ва қўшма тадқиқотларни ривожлантириш учун янги майдонга айланди.

Шундай қилиб, Марказий Осиёда ўзаро минтақавий экологик ҳамкорлик аста-секин амалий аҳамият касб этмоқда. Ма м л а к т л а р умумий халқаро позицияни шакллантириш, мувофиқлаштириш механизмларини ривожлантириш, Оролбўйи экотизимларини тиклаш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш ва илмий таълим базасини яратишда сезиларли натижаларга эришти.

Шу билан бирга, минтақадaги экологик муаммолар қўламини мувофиқлаштиришни кенгайтиришнинг тақозо қилмоқда. Трансчегаравий сув ресурсларини бошқаришда янада ўзаро мувофиқлаштирилган ёндашувларни ишлаб чиқиш, иқлим ўзгариши оқибатларига мослашиш чораларини кенгайтириш, сув ва экологик инфратузилмага эътибор мўлдатли инвестиция жалб этиш, шунингдек, умумий экспорт базаси ва таҳлилий базани мустаҳкамлаш устувор вазифалар сифатида қаралмоқда.

Кейинги йилларда Марказий Осиёнинг экологик кун тартиби самардорлиги минтақа мамлакатлари сиёсий ҳамкорлик натижаларини барқарор қўламини механизмларга қанчалик изчил трансформация қила олишига боғлиқ бўлади. Остона шаҳрида бўлиб ўтган Минтақавий экологик саммит иқлим масаласида умумий мақсадга эришиш йўлидаги яна бир қадам бўлди. Иқлим ва экологик муаммоларни бартафоз этиш бўйича янги ва амалий ечимларни ишлаб чиқиш нафақат Марказий Осиё мамлакатларининг глобал иқлим кун тартибига қўшган ҳиссасини оширишга, балки экотизимлар барқарорлигини таъминлаш, ҳаво ифлосланшини камайтириш, табиий ресурсларни барқарор бошқариш ва устувор равишда сув ва энергетика ресурсларини бошқариш бўйича минтақавий вазифаларини ҳал этишга ҳам хизмат қилади.



Кўргазманинг ўзида "талаш" бўлган маҳсулотлар

— Ишлаб чиқарувчилар учун бу кўргазма ҳақиқатан катта форматта эга. Унда қўйлаб давлатдан юзлаб иштирокчилар катнашганининг ўзиёқ қўламини кўрсатади. Жонли мулоқот майдони турли янги маҳсулотлар билан танишиш, бир вақтнинг ўзида қўйлаб давлатлардан ҳамкорлар топшишга қўлайлик яратди, — дейди россиялик тадбиркор Григорий Пестов. — Компаниямиз ИННОПРОМ кўргазмасига бир қанча йўналишдаги ечимларни олиб келди. Улардан бири дефитоскоп



Мақсадимиз — аждодлардан мерос дўстлик ва илм қарвонини замон чўққиларига, илм-фаннинг юксак манзилларига бошлаб боровчи зафарли ва собитқадам авлод бўлмоқ. Икки элнинг маънавий бирлиги бизнинг қалб кўрғонимиз бўлса, биродарлик аъёналаримиз истиқбол сари ташланган қутлуг қадамимиздир!



Бир чинор япроқлари

ҚАРДОШЛИК РИШТАЛАРИНИ МУСТАҚАМЛОВЧИ КЎПРИКЛАРМИЗ

Давлатимиз раҳбари жорий йил 22 апрель куни Остона шаҳрида бўлиб ўтган Минтақавий экологик саммитдаги нутқида минтақамиз келажагини қуришда ёш авлоднинг ўрнига алоҳида тўхталиб, икким кун тартиби ва экологик маданиятни илгари суриш учун экологик таълим ва ёшларни фаол жалб этиш жуда муҳим эканини таъкидлади. Боқуда бўлиб ўтган COP-29 анжумани давомида мамлакатларимиз ёшлари иштирокида Экология бўйича маслаҳат қўмитаси тузилган эди. Президентимиз ушбу қўмита платформасида 2027 йилда Ўзбекистонда Жаҳон ёшлар иқлим форумини ўтказишни таклиф этди. Таъкидлаш жоизки, бу муҳим ташаббус минтақа ёшларини умумий мақсадлар сари янада жиپлаштиришга хизмат қилади.

Дарҳақиқат, сўнгги йилларда янги Ўзбекистонда юритилаётган оқилона сиёсат туфайли Марказий Осиё халқлари, хусусан, томири бир, тақдир туташ ўзбек ва қозоқ миллатлари ўртасидаги азалий қардошлик ришталари бутунлай янги даражага кўтарилди.

Аҳил қўшничилик муносабатлари асосига қурилган ишонч ва самимият муҳити бугун нафақат иқтисодий соҳаларда, балки маънавий-маърифий қадриятларимиз муштараклигида ёрқин ифодасини топтоқда. Инсонпарвар ислохотлар туфайли Ўзбекистон деб аталмиш ягона оилада яшаётган ҳар бир миллат вакили ўзини тўлақонли бахтиёр ва қадри хис этмоқда. Айниқса, ёшларнинг таълим олиши, илмий ҳамда ижодий салоҳиятини рўёбга чиқариш учун яратилаётган кенг имкониятлар таҳсинга лойиқ.

Мен қозоқ фарзандиман, аммо томирида икки халқнинг меҳри бирдек жўш уради. Шу азиз тупроқда туғилдим, шу юртининг нозу неъматларидан баҳра олдим. Янги Ўзбекистонимизнинг кўп миллатли аҳил оиласида қозоқ халқи вакилларининг ҳам муносиб ўрни, бахти ва ижтимоий масруриги бор. Бугун Ўзбекистон бағрида яшаётган барча миллат фарзандлари меҳр ва раҳмат билан қўлдан келган ҳар қандам ҳис этмоқда. Бу замин — чинакам имкониятлар бешиги. Мен ўзининг ҳаёт ва илм йўлини мисолида буни теран англадим: шу азиз тупроқда туғилиб, илм чўққилари сари интилдим, бакалаврият ва магистратура босқичларини муваффақиятли тамомладим.

Икки биродар ва тақдир туташ халқ ўртасидаги қардошлик ришталари бугун нафақат маънавий-маданий яқинлик, балки



сиёсий жиҳатдан мутлақо янги босқичга кўтарилди. Бундай мустақам бирлик ва ўзаро ишонч муҳити биз каби илм аҳли ва изланувчан ёшларга ўз салоҳиятимизни намоён этиш учун янада кенг ўқлар очмоқда. Кўп миллатли юртимизда миллий маданият ва санъатни юксалтириш, қўшни халқлар адабиёти ҳамда маънавиятини ўзаро яқинлаштириш давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланди. Улуг аждодларимиз дунёқароши, орзу-умидлари ва ҳаёт фалсафасини ўрганиш ёш авлод учун ҳам қарз, ҳам фарзидир. Президентимиз томонидан

қабул қилинаётган тарихий қарорлар эса айнан шу эзгу мақсадларга хизмат қилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 13 мартдаги “Буюк қозоқ шоири ва мутафаккири Абай Қўнонбоев ижодий меросини кенг ўрганиш ва тарғиб қилиш тўғрисида”ги қарори икки халқ дўстлигининг куйичиси бўлган аллома меросини қайта тиклаш йўлидаги тарихий қадам бўлди.

Бу эса икки қардош халқнинг қондошлик ва тақдирдошлик ришталарига янги ҳаёт ва руҳ бағишлади. Шу боис, илм ва ижод аҳли ушбу ташаббусни юксак қувонч

билан қарши олди. Бугун юртимизнинг ҳар гўшасида — билим масканларида, файзли маҳалларда Абай ижоди нафаси уфуриб турибди. Олимлар, адиблар, маданиятшунос ва санъаткорлар иштирокида ўтаётган адабий кечалар икки халқнинг юрак уриши бирлашган чинакам маънавият байрамига айланмоқда. Мазкур эзгу сўй-ҳаракатлар халқларимиз ўртасидаги маданий-маърифий кўприкларини янада мустақамлаётгани шубҳасиз.

Ҳақиқатан, Абу Райҳон Беруний, Абу Наср Форобий, Аҳмад Яссавий, Баҳоуддин Нақибанд, Алишер Навоий, Абай Қўнонбоев, Ойбек, Мухтор Аъезов, Гафур Ғулом ва Собит Муқонов каби улуг намояндалар ва бошқа кўплаб атоқли олимлар, мутафаккир ва шоирларимиз мероси бизнинг умумий бойлигимиздир. Айнан мана шу маънавий бирлик ва муштарак мерос бугун янги Ўзбекистонда миллатлараро тотувлиқни мустақамлашга, қардош халқлар адабиёти ва санъатини янги босқичга юксалтиришга хизмат қилади. Мана шундай бағрикенг ва мунаввар муҳитда камол топиб, илмининг заҳматли, аммо шарафли йўлида изланиш қилаётган ҳар бир қозоқ фарзанди қалбида бугун бир олам шукроналик, шуғурда эса парлоқ истиқболга қатъий ишонч муқассам. Бу ишонч бизни янги илмий зафарлар сари руҳлантириб, биродар халқларимизнинг маънавий бирлигини мустақамлашга ундайди.

Буюк қозоқ фарзанди Абай Қўнонбоев ўз миллатининг номини тарих зарваракларига муҳраган мутафаккир, шу билан бирга, бугун инсониятни эзгуликка, халқларни эса

дўстлик ва ҳамжиҳатликка чорлаган улуг сиймодир. Абай “Қозоқнинг келиб чиқиши ҳақида бирмунча сўз” мақоласида ўзбек халқи ҳақида алоҳида тўхталиб: “Ўзбеклар эммаган экин, улар олмаган ҳосил йўқ, савдогарларнинг бормаган жойи йўқ... Хуллас, уларнинг қўлидан келмайдиган ишнинг ўзи йўқ”, дея қардош ўзбек халқига юксак баҳо беради. Абай Фирдавсий, Низомий, Навоий, Бобур каби буюк алломалар асарларидан доимо баҳраманд бўлиб, уларни ўзинга устоз билган ва алоҳида ҳурмат кўрсатган. Ўзбекистон халқ шоири Миртемир “Кўз устига, қош устига” мақоласида “Улуг Алишерга қўл берган Абай Қўнонбой ўғли, ўз навбатида, қозоқ эъза адабиётининг бобоси, қозоқ халқининг даҳо фарзанди, улуг шоири, асл ўғли даражасига кўтарилди олди”, деб ёзган эди. Бугунги авлод аждодларимиздан мерос қолган бу бебаҳо ижодий ҳақдорликни давом эттириб, ўзбек ва қозоқ адабий алоқаларининг мустақам пойдеворини янада юксалтириши айни мудоао. Биз, ёшлар, Абай Қўнонбоевнинг ибратли ҳаёт йўли ва умрбоқий меросига бағишланган мазмундор дарслиқлар, ҳар икки тилдаги мумтоз ва замонавий асарларнинг нафис таржималари ҳамда ёш қалблар учун чинакам маънавият мағи бўлгучи китоблар яратилишини мамнуният билан қарши оламиз. Шу билан бирга, абайшунос олимларимиздан теран мантиқли илмий мақолалар, кино ва телеижодкорларимиздан халқларимиз руҳиятини акс эттирувчи бадиий ва ҳужжатли фильмлар, маҳоратли театр жамоаларимиздан эса қардошлиқни таранум этувчи янги ва ёрқин сахна асарларини янада кўпроқ кутамиз. Зеро, бундай ижодий изланишлар икки халқнинг маънавий бирлигини асрлар оша безаб турувчи боқий гулшанга айланади.

Биз тақдир азал бағрида туташган, тарихий илдизлари бир-бирдан сув ичган ва қондошлик ришталари узвий боғланган икки забардаст миллат ворисларимиз. Қалбимизнинг ҳар бир уришида Абай бобомизнинг ҳақиқат ва адолатга ташналиги, шуғуримизда эса ҳазрат Навоийнинг маърифат уммони жўшқин дараддек тўлқинланади.

Мақсадимиз — аждодлардан мерос дўстлик ва илм қарвонини замон чўққиларига, илм-фаннинг юксак манзилларига бошлаб боровчи зафарли ва собитқадам авлод бўлмоқ. Икки элнинг маънавий бирлиги бизнинг қалб кўрғонимиз бўлса, биродарлик аъёналаримиз истиқбол сари ташланган қутлуг қадамимиздир! Маърифат нури ила йўғрилган бу дўстлик ришталари қалбларимизга куч, иродамизга мадда бериб, бизни улкан марралар сари руҳлантираверади. Дўстлик ва биродарлик қарвонининг собитқадам давомчилари сифатида бу йўлда бизга жасорат машалли ҳамма ҳамроҳ бўлади.

Асылбек ҚОЛҚАНАТОВ, Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти таянч докторанти

Тараддуд

Наманган гул сеништиришдаги тажрибаси билан бугун республикамизга намуна бўлиб келмоқда. Вилоятнинг сайёҳлик салоҳияти ҳам айни шу тажриба ортидан ўсиб бормоқда. Гулчилик бўйича “Гиннеснинг рекордлар китоби”га кириш ҳаракатига тушган вилоят аҳли фестивалнинг туризмдаги ўрнини янада ошириш йўлида бор маҳоратини ишга соляпти.



Ўтган йилги фестивалда вилоятга ташир буюрган 7 миллионга яқин маҳаллий ва 1 миллиондан зиёд хорижий меҳмонга 70 га яқин навадаги 100 миллион тулдан зиёд гул намойиш қилинган эди. Шаҳар ҳудудига голланд навли маҳаллий-лаштирилган мавсумий гуллар, 10 мингдан

ортиқ атиргул, 1,5 минг дон манзарали бутасимон кўчат ўтказилиб, бу жараёнда 10 мингдан ортиқ ободонлаштириш ходими меҳнат қилганди. Рақамлар салмоғи жорий йилда янада ортади. Зеро, бу йил ўтган йилдагидан икки баробар кўп меҳмон келиши кутилмоқда.



Айни пайтда белгиланган ишларни ўз мuddатига бажариш, аэропорт атрофидаги инфратузилмни янада ривожлантириш юзасидан ишлар жадаллашган. Зеро, май-июль ойларида бўлиб ўтадиган халқаро фестивалнинг хорижий меҳмонлари аэропортдан чиқиб қатъий назар ташлайди. Ранг-баранг, турфа шаклда ястанган гулларнинг ҳамда райҳонларнинг хуш бўйи анқиганида, улар ўзларини жаннатмонанд бир юртга келиб қолгандек ҳис қилади. Худуд остонасидан — “ҳаво дарвозаси”дан туриб бугун вилоятга, фестиваль тадоригига баҳо берилади.

Байрам шуқуҳи “ҳаво дарвозаси” даноқ сезилади

Гуллар шаҳрининг кўрқига кўрқ қўшадиган Наманган халқаро аэропортида янги, уч қаватли терминал биноси бунёд этилмоқда. Йўловчи ташин қувватини 2,5 баробар ошириши кутилаётган янги бино қўлай шароитларга эга чегара назорати, виза бўлимлари, бизнес зали, савдо ва овқатланиш шохобчалари, тиббиёт хонаси ҳамда замонавий дўконларни ўз ичига олади. Шунингдек, аэропортда водийда ягона бўлган қарго тизими йўлга қўйилди.

Айни пайтда белгиланган ишларни ўз мuddатига бажариш, аэропорт атрофидаги инфратузилмни янада ривожлантириш юзасидан ишлар жадаллашган. Зеро, май-июль ойларида бўлиб ўтадиган халқаро фестивалнинг хорижий меҳмонлари аэропортдан чиқиб қатъий назар ташлайди. Ранг-баранг, турфа шаклда ястанган гулларнинг ҳамда райҳонларнинг хуш бўйи анқиганида, улар ўзларини жаннатмонанд бир юртга келиб қолгандек ҳис қилади. Худуд остонасидан — “ҳаво дарвозаси”дан туриб бугун вилоятга, фестиваль тадоригига баҳо берилади.

Маҳалла обод — юрт обод

Аслида, вилоятда аънавий гуллар байрами маҳаллалардан бошланади. Туркия, Нидерландия ва Италия тажрибаси асосида етиштирилаётган кўчатларнинг 40 фоизи маҳаллий гулчилар томонидан тайёрланаётгани ҳам бунинг яққол исботидир. Норин туманининг Пастки Чўжа маҳалласидаги Зокиржон Йигиталиев хонадонига кирсангиз, нафосат оламига тушиб қолгандек бўласиз, гулларнинг рангларидан кўзингиз қамашади. Томорқадаги иссиқхонада турли ноёб гуллар мавжуд. Улар 65-халқаро гуллар фестивалида намойиш этилади. Ҳар бир гул, ҳар бир ниҳол алоҳида меҳр ва эътибор билан парваришланаётганидан сўзлайди гўё.

Наманганда Зокиржон Йигиталиев сингари гулчиликка меҳр қўйган оилаларнинг минглаб эканини кўриб, қай бирини таърифлашни билмай қоласиз. Улар гулпарварликни ҳаётининг ажралмас қисмига айлантирган. Қай бири билан ҳамсуҳбат бўлманг, бу машғулот инсондан нафақат меҳнат, балки сабр ва юксак дид ҳам талаб қилишини айтади. Бу фаолият эстетик завқ

бағишлабгина қолмай, даромад манбаи сифатида ҳам ўзини оқлаётгани қувонарли. Энг муҳими, маҳалладошлар учун иш ўринлари яратилмоқда. Шунинг учун ҳудудда, аввало, маҳалла тажрибасини оммалаштиришга ва зарур шароитларни яратишга алоҳида эътибор берилмоқда. Амалга оширилаётган “Янги Ўзбекистон қиёфасидаги маҳалла” дастури доирасида Чортоқ туманининг Гулшан маҳалласида ҳам бунёдкорлик ишлари қизғин.

Норин туманининг Янги Наманган маҳалласида эса йўл инфратузилмасини яхшилаш ишлари авжида. Йўлларни таъмирлаш, кенгайтириш, лотоклар ўрнатиш ва янгиларини қуриб битказишдек эзгу ҳаракатлар кўчаларнинг ҳар томонлама қулай ва кўркам бўлишига хизмат қилмоқда. Дастур ҳудуд инфратузилмасини яхшилаш, муҳандислик коммуникация тармоқларини янгилаш ҳамда ижтимоий объектларни замон талаблари даражасига олиб чиқишга қаратилгани билан ҳам аҳамиятли. Маҳалла биносини капитал таъмирлаш бошланган. Шу билан бирга, аҳоли, айниқса, ёшлар ва болаларнинг мазмунли дам олишини таъминлаш мақсадида мини футбол, воркаут ва стритбол майдончалари ҳамда

кўнгилоҳар сайилгоҳлар барпо этиш режалаштирилган. Бу эса ҳудуднинг ташқи қиёфасини янгилаш баробарида аҳолининг кундалик турмуш шароитини сезиларли даражада яхшилайдиган. Қўлай инфратузилма, тоза ичимлик сув, равон йўллар ва замонавий ижтимоий объектлардан руҳланган одамлар нафақат гулчиликни, балки кўплаб янги тадбиркорлик йўналишларини ҳам кашф эта олади. Бир сўз билан айтганда, Гулшан, Янги Наманган каби кўплаб маҳаллалар яқин истиқболда бирин-кетин намунавий, обод ва барча қўлайликларга эга замонавий масканларга айланади.

Бу эзгу ишлар нафақат туманлар кўрқига кўрқ қўшмоқда, балки инсон қалбида шодлик, фахр ва юртга меҳр туйғуларини янада юксалтирмоқда. Ҳар бир лойиҳа фестивални юқори савияда ташкил этиш орқали Наманган шаҳрининг сайёҳлик салоҳиятини оширишга ва унинг халқро нуфузини янада мустақамлашга хизмат қилади.

Муножат МҶМИНОВА, “Янги Ўзбекистон” муҳбири

GAZETA DАGI MATERIALLARNI LOTIN EZUVIGA ASOSLANGAN ЎЗБЕК АЛИФОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-KODNI SKANER ҚИЛИНГ.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари тахририяти” ДМ
МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.
Босмахона телефони: (71) 233-11-07.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Аxbотот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. Буюртма Г-446.
30821 нусхада босилган.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2. Баҳоси келишилган нарҳда.

“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Боборовшан Ғозидинов
Мусахҳиж: Малоҳат Мингбоева
Дизайнер: Зафар Рўзиев
Манзилими:
100060, Тошкент шаҳри,
Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй